

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSC 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АШУРОВ АБДУЛЛО ФАЙЗУЛЛОВИЧ**

**ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ – ТЕХНИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАЪЛУМОТЛАРИ  
АСОСИДА)**

**06.01.10 – ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Ашуров Абдулло Файзуллоевич**

Томорқа ер участкаларидан фойдаланишнинг ташкилий – техник  
механизмларини такомиллаштириш (Сурхондарё вилояти  
маълумотлари асосида) ..... 3

**Ашуров Абдулло Файзуллоевич**

Совершенствование организационно – технических механизмов  
использования приусадебных земель (на материалах Сурхандарьинской  
области) ..... 21

**Ashurov Abdullo Fayzulloevich**

Improving the organizational and technical mechanisms for the use of  
homestead lands (based on the materials of the Surkhandarya region)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSC 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АШУРОВ АБДУЛЛО ФАЙЗУЛЛОВИЧ**

**ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ – ТЕХНИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МАЪЛУМОТЛАРИ  
АСОСИДА)**

**06.01.10 – ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/T2989 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Чертовицкий Александр Степанович**  
иктисод фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қурвонтоев Раҳмонтой**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Мусаев Илхомжон Мақсудович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 й «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).)

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А.Гаппаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**А.С.Алтиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ер фонди бугунги кунда 13,4 млрд. гектарни ташкил қилади, унинг атиги 1,5 млрд. гектари, яъни 11 % қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқтисодий жиҳатдан қулай ҳисобланади. “Дунё миқёсида глобал озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги масалалари доимо диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015-йил сентябр ойида бўлиб ўтган тарихий саммитида 17 та глобал мақсад ва 169 та вазифадан иборат “Барқарор ривожланиш мақсадлари – БРМ” дастури тақдим этилган бўлиб, уни 2030 йилгача дунёнинг 193 та давлати амалга ошириши керак эди. Инсоният барқарор ривожланиш учун келажак авлодлар эҳтиёжларини бузмасдан, ҳозирги авлодлар манфаатларига мос келадиган ривожланишни вазифа қилиб белгиланган.<sup>1</sup> Шу жиҳатдан, ФАО маълумотларига кўра, ўта қашшоқликда бўлган дунё аҳолисининг деярли 75 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади ва уларнинг турмуш тарзи ва озиқ-овқат хавфсизлиги асосан иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги энг йирик иш берувчи бўлиб, аҳолини кичик фермалар кўринишдаги ёрдамчи хўжалик ер эгалари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иш билан бандлигини таъминлаш, (қишлоқ хўжалигида 40 фоиз ишлаб чиқаришни амалга ошириш) ишлари олиб борилмоқда. Бу борада кам таъминланган қишлоқ уй хўжаликлари учун даромад ва иш ўринларининг энг катта секторидир. Беш юз миллион кичик деҳқон хўжаликлари асосан лалми ерларда жойлашган бўлиб, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда истеъмол қилинадиган озиқ-овқатнинг 80 фоизини етказиб беради. Охирги 20 йил ичида дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми сезиларли даражада ошди. Шу сабабли унинг айрим ҳудудларида бу ўсиш аҳоли сонининг кўпайиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархининг пасайиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимининг такомиллаштириш масаласини келтириб чиқарди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш вазифасини асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамизда бугунги кунда 4 771 168 томорқа хўжалиги мавжуд бўлиб, улар мўл ҳосил олашади, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 70 фоизи уларнинг улушига тўғри келади. Бу хўжаликларда деярли жамланган барча қорамоллар – 12112,4 минг бош ёки республикадаги умумий чорва молларининг 93,4 фоизи, жумладан, 4388,4 минг бош сигирлар (94,1 %). Республикада етиштириладиган барча сабзавот маҳсулотларининг қарийб (70,7%), 7031,5 минг тонна сабзавот 10186,0 минг тонна (95,1%) сут ва 2262,9 минг тонна (91,8%) гўшт етиштирилади. Томорқа ер участкаларидан фойдаланиш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, мамлакат қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлиги

---

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/>

ва бандлигини таъминлаш, мавжуд ресурслар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириши зарур. Томорқа ерларидан фойдаланишга илм-фан ютуқлари ва замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб муаммо бўлиб, уни ҳал этиш томорқа ерларининг ҳудудини ташкил этиш механизмларини чуқур ўрганишни, ер сифатини аниқлаш усулларини асослашни ва замонавий суғориш усулларини жорий этишда тавсиялар беришни талаб этади. Уларнинг ташкилий-техник соҳаларини ўрганиш ва асослаш, фуқароларнинг томорқа ер участкалардан фойдаланишни такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон** «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ҳамда **2021 йил 08-июндаги ПФ-6243-сон** «Ер муносабатларида тенглик ва ошкораликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор мулкига айлантиришга кўмаклашиш»<sup>2</sup>, тўғрисидаги Фармони, **2017-йил 10-октябрдаги ПҚ-3318-сон** қарори. «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>, **2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-5199-сон** «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қи-лиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>4</sup>, қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Томорқа ва деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш механизмини қишлоқ хўжалиги ривожланишидаги ролини ўрганишдаги илмий асослари бўйича А.В.Чаянов, Н.Д.Кондратьев, С.Л.Маслов, А.Н.Челинцев, Н.П.Сулин М.А.Макаров, Г.А.Студенский ва бошқа қатор олимлар изланишлар олиб боришган.

Томорқа хўжаликлари ер фондидан фойдаланиш масалалари бўйича тадқиқотларни П.К.Татур, Г.А.Талипов, В.П.Прошляков, А.С.Чертовицкий,

---

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қи-лиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида » 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қи-лиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-5199-сон.

С.А.Авезбоев, А.С.Алтиев, Қ.Раҳмонов, А.Р.Бобожонов, А.Қудратов, Г.Ўролов ва бошқа олимлар олиб боришган.

Бугунги кунда юқорида номлари қайд этилган олимлар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида маълум илмий натижаларга эришилган. Бироқ томорқа ер участкаларини муҳандислик – техник жиҳозлаш, турар – жой ва хўжалик иморатлари қуриш учун ажратиладиган ер майдонларни асослаш ҳамда ҳудудни ташкил этишнинг бошқа элементлари, шу жумладан, томорқа ер участкаларини режалаштириш ва ривожлантириш, инновацион суғориш усулларидан фойдаланиш масалалари, усуллари, уларнинг ерларини сифатини ва кадастр баҳосини аниқлаш бўйича етарлича илмий –тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «ҚХ-7Ф-26 “Ўзбекистонда ер бозорини шакллантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” ва “Ўзбекистонда ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича ер ахборот базасини яратиш ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш» (2007-2011 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – томорқа ерлари ҳудудини оқилона ташкил этишнинг ташкилий-техник механизмларини такомиллаштириш бўйича асосли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

томорқа ерларидан барқарор фойдаланиш тамойиллари ва хусусиятларини ишлаб чиқиш;

шахсий ер участкаси ҳудудида объектлар ва дизайн элементларини жойлаштириш учун техник – иқтисодий талабларни ишлаб чиқиш;

уй-жой ва маиший объектларни оқилона жойлаштириш мақсадида ер участкалари таркибини асослаш;

лойиҳа элементларини оқилона жойлаштириш мақсадида томорқа ерларининг сифатини аниқлашга услубий ёндашувни ишлаб чиқиш;

суғориш усулларининг техник – иқтисодий самарадорлигини қиёсий баҳолаш, энг кам харажат ва техник жиҳатдан содда бўлган тавсияларни асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё вилоятидаги томорқа хўжаликлари эгаларининг ерлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш мақсадида уларни лойиҳалаш ва жойлаштиришнинг ташкилий – техник механизмларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, статистик ва қиёсий таҳлил, мантиқий мушоҳада ва абстракт фикрлаш, конструктив ҳисоблаш, ижтимоий сўров ўтказиш ва эксперт баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

томорқа ер участкалари худудида қурилган бир қаватли турар жой биносини лойиҳалар ишлаб чиқилган ҳолда икки қаватли бинога алмаштириш тавсия этилган;

томорқа ерларини ташкил этиш элементларини оқилона жойлаштириш ва ер солиғини ҳисоблаш мақсадида томорқа ерларининг сифатини аниқлаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

кузги қишки экинни оммавий жорий этиш бўйича (совуқ ҳавода) техник ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тавсия ва таклифлар берилган;

томорқа ер участкаларида томчилатиб суғориш ускуналарини жойлаштириш ва суғориш тизимини техник ва технологик ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Томорқа ер участкалари худудини оқилона ташкил этиш ҳисобига аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўрганилди. Томорқа ер участкалари худудларни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади: турар-жой ва хўжалик иншоотлари остидаги ер майдонини қисқартириш асосида экинлар майдонини кўпайтиришга эришилди. Бир қаватли турар-жой ва қўшимча бинолар ва икки қаватли вариантларни қуришда ишлаб чиқаришнинг умумий (умумий) қиймати ва уларнинг самарадорлиги ҳисобланади. Шундай қилиб, 0,15 гектар томорқа ер майдонидан маҳсулот таннархи йилига 11,784 миллион сўмни ташкил этган;

Худудни ташкил этиш ва томорқа ерларидан фойдаланишни техник-иқтисодий яхшилаш бўйича инновацион ечимларни жорий этиш натижасида турар-жой ва хўжалик иншоотларининг оқилона ўлчамларини асослаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини кўпайтириш натижасида ердан фойдаланиш самарадорлиги Сурхондарё вилоятида 3 413 589 сўмни, республика бўйича 37 584 675 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усулларида ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифлар олган натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти томорқа ерларидан фойдаланишнинг моҳиятини ўрганиш, хусусиятлари ва тамойилларини ишлаб чиқишда Сурхондарё вилоятида томорқа хўжалик ерларининг биноларни лойиҳалаш ва сифатини аниқлаш, жойлаштириш усулларини ишлаб чиқишда, суғоришнинг инновацион усулларини қиёсий таҳлил қилиш асосида томорқалари яқинида томчилатиб суғоришнинг технологик жараёнларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти томорқалардаги бир қаватли уйлар тартибга келтириш ва унинг ўрнига икки қаватли турар жой бино

қурилиши асосида кўзда тутилаётган ишланмаларнинг амалга оширилиши натижасида ер майдонини 23% гача кенгайтириш ҳамда экин майдони ва томорқа ер участкаси эгасига 2,2 м<sup>2</sup> гача қулай шароит яратиш имкони билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё вилоятининг томорқа ер участкаларидан фойдаланишнинг ташкилий – техник механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

томорқа хўжаликларида ердан фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг ҳозирги кундаги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган;

томорқа хўжаликларидаги ердан фойдаланишнинг назарий асослари, мазмуни ўрганилган, мавжуд ер ва сув ресурслари тамойиллари ишлаб чиқилган;

ердан фойдаланиш имкониятларини ошириш бўйича техник лойиҳа ишлаб чиқилиб, бир қаватли иморатлар ўрнида икки қаватли кенг шинам яшаш уйи ва хўжалик иморатлари қуриш орқали, қурилишлар остидаги ер майдонини камайтириш, экин майдонини кенгайтириш таклифлари ишлаб чиқилган;

таморқа ермайдонларидаги тупроқ сифатини аниқлаш бўйича янги услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

сув ресурслари самарали ва тежамкорлик асосида суғориш усулларини инженерлик ва техник таққослаш орқали томорқа ер участкаларида томчилатиб суғориш технологиясини қуллаш таклифи ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги томорқа ерларида уч маратоба ҳосил олиш имкониятлари мавжудлиги асослаб берилган ва жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 январдаги 02/022-3 сонли маълумотномаси). Натижада, таклиф этилаётган илмий натижаларни жорий этиш ҳисобига Сурхондарё вилоятида иқтисодий самарадорликнинг салмоғи 2,0 миллиард сумни ташкил этилиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилган;

томорқа ер участкаларида энг мақбул ер турларини жойлаштириш таклифи Сурхондарё вилоятининг кўплаб хўжаликларида, хусусан Шерабод туманидаги Нуриддин номли массив, Денов туманидаги Ш.Қобилов, Ш.Худойназаров номли массивларида, Саросиё туманидаги Дашнобод массиви, Узун туманидаги Бобомурод Омонов, “Тулистон” номли массивлари ҳудудидаги таморқа ер участкаларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 январдаги 02/022-3 сонли маълумотномаси). Натижада, экин экиладиган ерларни 23% гача кенгайтириш ҳамда экин майдони ва томорқа ер участкаси эгасига 2,2 м<sup>2</sup> гача қулай шароит яратиш имконига эришилган.

Сурхондарё вилоятида қишлоқ хўжалиги экинларининг учинчи (кузги – қишги) экишни оммавий жорий этиш мақсадида совуқ ҳавода экинларни вақтинча техник ҳимоя воситаларини яратиш бўйича тавсиялар берилди. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 13 январдаги 02/022-3 сонли маълумотномаси) натижада Бир қаватли турар-жой ва қўшимча бинолар ва икки қаватли вариантларни қуришда ишлаб чиқаришнинг умумий қиймати ва уларнинг самарадорлиги ҳисобланиб ҳамда 0,15 гектар томорқа ер майдонидан маҳсулот таннархи нисбатан йилига 11,784 миллион сўм аҳолини қўшимча

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашни ва даромадини яхшиланган.

Томчилатиб суғориш технологияси жорий этиш таклифи ишлаб чиқилган ва бугунги кунда Сурхондарё вилояти Шерабод туманидаги томорқа ер участкаларида ермайдонларини суғоришда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан 2022 йил 13 январдаги 02/022-3-сон маълумотнома), натижада томорқа ер участкаларидан фойдаланишда сув ресурсларини тежашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти илмий асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Олиб борилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, чоп этилган илмий ишлар, қолаверса диссертациянинг тузилиш тартиби бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Томорқа ер участкаларидан фойдаланишнинг илмий-амалий асослари»** деб номланган биринчи бобида мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган илмий тадқиқот ва олинган натижалар, хулоса ва таклифлар, адабиётлар шарҳи, илмий манбалардан олинган тадқиқот натижалари батафсил ёритилган. Томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланишнинг илмий-амалий асослари ўрганилди. Аҳоли томорқасидан фойдаланишни ривожлантиришнинг жаҳон тенденциялари, оилавий хўжаликлар ва томорқа ер участкалари муаммоларини назарий жиҳатдан муаммолари ўрганилди. Ўзбекистон Республикасида аҳоли томорқа хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳолати ва самарадорлиги таҳлил қилинган.


Илмий изланишлар натижасида томорқа хўжаликлари ерларини оқилона ташкил этиш ва улардан фойдаланишни бошқариш, уларни оқилона суғориш, ерлар ва экин майдон-лари таркибини оптималлаштириш, такрорий экинлар сонини кўпайтириш, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-

амалий тавсиялар бериш, экин экиладиган ерларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Томорқа хўжаликлари ерлари унумдорлигини ошириш, мукамал тадқиқотларни талаб қилади, бу ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ҳар томонлама оширишни рағбатлантириш масалалари ўрганилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, томорқа хўжаликлари ерларини оқилона ташкил этиш ва улардан фойдаланишни бошқариш, жумладан Сурхондарё вилоятининг уларни оқилона суғориш, ерлар ва экин майдон-лари таркибини оптималлаштириш, такрорий экинлар сонини кўпайтириш, томорқа ерларидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш, экин экиладиган ерларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди долзарб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Аҳолининг томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-техник омилларини тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг техник-иқтисодий натижалари келтирилган. Томорқа ерлари фаолиятининг моҳияти ва хусусиятлари аниқланди. Томорқа ер участкасини (ТЕУ) режалаштиришнинг техник-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва томорқа ерларини кадастр баҳолашнинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилди. Томорқа ерларини суғоришнинг инновацион усуллари таҳлил қилиниб, уларни оптималлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Вилоятдаги томорқа ерларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг майдони 0,08 - 0,25 га оралиғида (1-расм),.



**1-Расм. Бир қаватли одатий 5 хонали турар-жой биноси жойлашган томорқа ер участкаси элементларининг жойлашуви.**

Шунинг учун диссертацияда ер майдонларининг таркиби 0,08, 0,12, 0,16, 0,20 ва 0,25 га. ча бўлган ер участкалари учун ер турларининг жойла-шуви


бўйича амалга оширилган ҳисоб китоб ишлари натижалари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Бир қаватли яшаш уйи жойлашган томорқа ер участкасида ер турлари майдонларининг жойлашуви**

№ т/р	Ер турлари	Томорқа ер участкасининг майдони, га.					
		0,08	0,10	0,12	0,15	0,20	0,25
1	Яшаш уйи	0,0131	0,0131	0,0131	0,0131	0,0131	0,0131
2	Хўжалик иморатлари	0,0118	0,0118	0,0118	0,0118	0,0118	0,0118
3	Йўлаклар	0,0054	0,0054	0,0054	0,0054	0,0054	0,0054
4	Экин екиладиган ер	0,0297	0,0497	0,0697	0,0997	0,1497	0,1997
5	Боғ	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
6	Узумзор	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
	Жами	0,08	0,10	0,12	0,15	0,20	0,25

1-жадвалдан кўришиб турибдики, максимал солиштирма ўсиш “экин экиладиган ерлар” учун характерлидир, унинг солиштирма ўсиш даражаси эса томорқа ер участкаси майдонининг ошиши билан ортади: 0,08 га майдонда 37,12% дан 79,88% гача, 0,25 га да. икки мартадан кўпроқ. (2-расм)



**2-расм. Томорқа ер участкаларида ер турларининг ўзгариш динамикаси**


Келажакда томорқа ер участкаларидаги экин экиладиган майдонини кенгайтириш мақсадида анъанавий бир қаватли турар жой биноси билан бир қаторда ертўлалари бўлган икки қаватли яшаш уйлари қурилиши режалаштирилмоқда, бир қаватли яшаш уйи ва хўжалик иморатлари қурилганда қурилишлар остидаги ерлар томорқа ер участкасининг катта қисмин эгаллайди

уларни икки қаватли қилиб қурилса, хўжалик иморатларининг бир қисми ер тўлаларда жойлаштирилса, экин экиладиган майдонлар кенгайди.

Шунинг учун икки қаватли турар-жой ва хўжалик иморатлари қуришни тавсия қилинди.

Уй-жой қурилиши майдони оила учун мақбул яшаш шароитларини таъминлаши ва хоналар сонининг етарлилиги, уйнинг қаватлар сони, ишчи кадрларни тайёрлаш учун қулайлик, болаларни тарбиялаш, нормал санитария гигиена шароитларига ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, биноларнинг жозибадор тури, оддий ва қулай тартибни таъминлаши га боғлиқ.

Шундай қилиб, бир қаватли турар-жой биноси билан томорқа ер участ-каси худудининг кўп қисмини бинолар эгаллайди. Истиқболли қишлоқ аҳоли пунктларида кўп қаватли ва квартирали турар-жой бинолари қуриш тобора кўпроқ урф бўлиб бормоқда. (3-расм.)



(I-турар-жой биноси  
 $P=86,2 \text{ м}^2$ ,  
 II-ошхона  $P=12\text{м}^2$ ,  
 III-суғориш  
 ускуналари.  
 $P = 2,5 \text{ м}^2$ ,  
 IV-ҳожатхона  $P=2,25$   
 $\text{м}^2$ ,  
 V-майда моллар учун  
 хона  $P= 9 \text{ м}^2$ ,  
 VI- қорамоллар учун  
 хона  $P=12 \text{ м}^2$ ,  
 VII-товуқхона  $P=9 \text{ м}^2$   
 Жами-хўжалик имо-  
 ратла-ри =  $0,00468 \text{ га}$ .

### 3-расм. Ертўлали икки қаватли турар-жой биноси бўлган томорқа ер участкаси

Ҳозирги вақтда икки қаватли уй-жойлар қурилган томорқа ер участкалари сони вилоят бўйича кам (2-3%). Бунинг асосий сабаблари: аҳоли менталитети, суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини етарлича баҳоламаслик, ер қонунчилигида томорқа ер участкалари (ТЕУ)дан оқилона фойдаланиш бўйича талабларнинг йўқлиги.

Бир қаватли турар жой биноларининг ўрнига икки қаватли турар-жой биноларини қуришни режалаштириш, унинг элементларини лойиҳалаш катта ижтимоий-иқтисодий маъно ва муҳим меъморий ва композицион аҳамият-га эга. Диссертация ишида ўртача 5 кишидан иборат оила учун бир қаватли турар жой биноси ўрнида икки қаватли яшаш уйи қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилган,


натижада қурилишлар эгаллаган ерлар майдонини 0,0044 гек-тарга қисқартиришни таъминловчи ертўлали икки қаватли турар-жой биноси қурилиши тавсия этилган. (2-жадвал)

## 2-жадвал

### Ер тўлали икки қаватли турар-жой биноси бўлган томорқа ер участкаси учун тавсия этилган режалаштирилган вариант

№ п/п	Ер турлари	Томорқа ер участкасининг майдони, га.					
		0,08	0,10	0,12	0,15	0,20	0,25
1	Яшаш уйи	0,00862	0,00862	0,00862	0,00862	0,00862	0,00862
2	Хўжалик иморатлари	0,0047	0,0047	0,0047	0,0047	0,0047	0,0047
3	Йўлаклар	0,0018	0,0018	0,0018	0,0018	0,0018	0,0018
4	Экин экиладиган ер	0,04487	0,06487	0,08487	0,11487	0,16487	0,21487
5	Боғ	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
6	Узумзор	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01
	Жами	0,08	0,10	0,12	0,15	0,20	0,25

### Экин экиладиган майдон ўзгариш динамикаси



### 4-расм. Икки қаватли турар-жой биноси бўлган томорқа ер участкада ер турларининг ўзгариш динамикаси

Диссертацияда хўжалик иморатлари майдонларини ҳам қисқартириш мақсадида уларнинг жойлашув ўрнлари ўрганиб чиқилиб аниқ ҳисоб китоблар асосида қўйхона, молхона ва товуқхона иморатларининг устки иккинчи қаватида сомонхона, ўтинхона ва ем хашам омборларини жойлаштириш лойиҳалаштирилган. Гараж ўрнига транспорт воситаларини ҳовлига кираверишда (дарвоза-хонада) сўри остида жойлаштириш тавсия этилади.

Тавсияларга мувофиқ қўшимча бинолар майдонидаги ўзгаришлар жадалда келтирилган 1 ва 2 қўшимча биноларнинг умумий майдонининг қисқариши 0,00712 га.ташқил этади.Тавсиялар билан белгиланган: бинонинг подвалида озик-овқат (иложи борича совутиш ускуналари ўрнатилган ҳолда картошка, пиёз, ун, сабзавот), омборларни, ҳамда ҳаммом ва кир ювиш хоналарини жойлаштириш лойиҳаланган.

Ҳозирги вақтда вилоят туманларида асосан томорқа ер участкаларида иккита экиб ҳосил олиниб келинмоқда, гарчи охириги пайтларда учинчи экин (томорқаларнинг тахминан 10-15 фоизида) кенг тарқалган. Минтақанинг табиий-иқлим шароити яхши учинчи экин экиб ҳосил олиш имконини беради. Вилоят учун учинчи экин сифатида карамнинг қишки навларини, шунингдек, февраль ойида йиғиб олинган сабзи, қанд лавлаги, шолғом ва картошка етиштириш тавсия етилади. Шу муносабат билан томорқа ва деҳқон хўжаликлари эгаларига томорқадан фойдаланишда инновацион ёндашувни – вилоятнинг барча томорқа ерларида учинчи ҳосилни олишни тавсия этилди. Бу борада вилоятда учинчи экинни экиб ҳосил оладиган хўжаликлар сонини 70-80 % гача ошириш мумкин.

Суғориладиган ерларини сифатини аниқлаш маълумотлари қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун мўлжалланган:

- қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни режалаштириш;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг кадастр ҳосилдорлигини ҳисоблаш;
- ер солиғини илмий асосланган ҳолда ҳисоблаш;
- тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни режалаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;
- қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалиги ерларини олиб қўйиш пайтида кўрилган зарарни қоплашни ҳисоблаш;
- қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш.

Бироқ, республикада томорқа ва деҳқон хўжаликлари ерларининг сифатини аниқлаш ишларини бажариш кўзда тутилмаган, гарчи уларнинг эгалари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқ ер муносабатларининг расмий субъектлари, шу жумладан солиқ тўловчилар бўлсалар ҳам. Бу ерлар бўйича сифат кўрсаткичлари аниқланмаганлиги сабабли, кадастр маълумотларининг йўқлиги ер солиғи миқдорини талаб даражасидаги аниқликда ишончли ҳисоблаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш имконини бермайди. Бу вазифаларни республикада амалга ошириш учун маъмурий ҳудуднинг умумий фойдаланишдаги дала ерлари учун белгиланган тупроқ сифатининг ўртача балли (ББП) қўлланилади, бу эса томорқа ер участкаларининг сифатини тўғри аниқлаш имконини бермайди. Айтиб ўтилган томорқа ва деҳқон хўжаликларининг ердан фойдаланишдаги бу муаммолари томорқа хўжаликлари ер участкаларининг сифатини аниқлаш ишларининг зарур эканлигини таққозо этади. Шу мақсадда диссертацияда ушбу ерларни сифатини аниқлаш, кадастр баҳолашнинг техник-иқтисодий масалалари ўрганилди.

Томорқа ерлари ва деҳқон хўжаликлари ерларининг ўзига хос кўрсаткичларини ҳисобга олиш учун томорқа ерларининг умумий дала

ерларидаги каби бир хил хоссалари учун тузатувчи коэффициентлари аниқланди: механик таркиби ва тупроқни зичланиш даражаси ( $K_1$ ), ерни шўрланиш даражаси ( $K_2$ ), ер ости сизот сувларининг чуқурлиги даражаси ( $K_3$ ), тупроқни эрозияга учраш даражаси ( $K_4$ ), тупроқдаги гумус миқдори ( $K_5$ ). Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар бўйича аҳоли томорқа ерлари учун сифат даражасини ҳақиқатга яқин кўрсаткичини аниқлаш мақсадида дала тажриба-синов ишлари олиб борилди. 2019-йилда «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг «Тупроқ сифати ва маълумотлар базаси таҳлилий маркази» давлат унитар корхонаси биринчи тоифали тупроқшунос олими Ш.Т.Нуритдиновнинг бевосита раҳбарлигида диссертант томонидан Сурхондарё агрокимё лабораторияси ходимлари ва мутахассислари иштирокида лаборатория таҳлили учун тажриба тупроқ намуналарини олиш бўйича дала тадқиқот ишлари олиб борилди.

Режалаштирилган томорқа ерлари тупроқлари хоссаларини аниқлаш учун тупроқ намуналари олинди. Ушбу намуналар юқорида номлари келтирилган унитар корхонанинг тупроқ ўрганилиб, уларнинг хоссалари тупроқ ўрганиш усули бўйича баҳоланди. Сўров натижаларига кўра, тузатувчи коэффициентлари ўрнатилди. 14 та қишлоқ аҳоли пункти, 7 та ер массиви ва тўртта маъмурий туманнинг турли худудларида жойлашган томорқа хўжаликларининг жами 60 та томорқа ер участкалари ўрганилди.

Экспериментал дала тадқиқотлари натижаларига кўра тажриба ер участкалари учун лаборатория томонидан тузатиш коэффициентлари ( $K_1$ ), ( $K_2$ ), ( $K_3$ ), ( $K_4$ ) ва ( $K_5$ ) аниқланди ва тузатувчи тажриба коэффициенти  $K_3$  аниқланади (1 –формула):

$$K_3 = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5; \quad (1)$$

бунда:  $K_1$  – тупроқнинг механик таркиби ва зичлиги учун;

$K_2$  – ернинг шўрланиши даражаси учун;

$K_3$  – ер ости сувлари чуқурлиги даражаси учун;

$K_4$  – тупроқ эрозияси даражаси учун;

$K_5$  – тупроқдаги гумус миқдори учун.

Кейин экспериментал томорқа ер участкаларининг ББП си ҳисоблаб чиқилди:

$$\text{ББП}_{\text{уч.эксп}} = B_{\text{исх}} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5 \quad (2)$$

ёки

$$\text{ББП}_{\text{уч.эксп}} = B_{\text{исх}} \times K_3 \quad (3)$$

бу ерда:  $K_3$  - тупроқ хоссалари учун қисқартирилган тузатиш коэффициенти.

Экспериментал тарзда ташкил этилган ББП<sub>уч.эксп</sub> маълумотларига кўра ва ББП<sub>м</sub> тажриба томарқа ер участкаси яқинида жойлашган жамоат, дала ерларини сифатини баҳолаш материалларидан олинган ТЕУ жойлашган массивлар, текширилган 6 та массивнинг (14 та аҳоли пункти) ҳар бири учун берилган тузатиш коэффициентлари аниқланади.

$$K_{oi} = \frac{\sum \text{ББП}_{y/m}}{\sum \text{ББП}_m} \quad (4)$$

Диссертация ишида томорқа ер участкаларини суғоришда томчилатиб суғориш усули тавсия эилди. Бу нисбатан кичик харажатлар билан боғлиқ бўлган ва суғориш учун сарф сувини максимал даражада тежашни таъмин-лайдиган амалий жиҳатдан энг содда ва қулай суғориш усули ҳисобланади.

**«Томорқа ер участкаларини режалаштириш бўйича ташкилий техник ечимларни такомиллаштириш самарадорлиги» деб номланган учинчи бобида** томорқа ер участкаларини режалаштириш, турар-жой ва тижорат биноларини томорқада жойлаштиришни режалаштириш бўйича техник-иқтисодий ечимларни такомиллаштириш самарадорлиги белгиланган. Диссертация ишида анъанавий бир қаватли турар жой биноси ўрнига турар-жой биносининг ертўласига алоҳида хўжалик иншоотларини жойлаштириш билан икки қаватли турар-жой биноларини қуриш тавсия этилган. Бунинг натижасида экин экиладиган ер майдони 0,030 га дан 0,045 га гача, яъни 0,015 га ча, томорқа ер участкасининг умумий майдони 0,08 га 0,01517 га; 0,12 га майдон билан 0,0697 га ўрнига 0,08487 га бўлиб, 0,01517 га кўпайди; 0,15 га майдон билан 0,0997 га ўрнига 0,11487 га бўлиб, 0,01517 га кўпайди; 0,20 га майдон билан 0,1497 га ўрнига 0,16487 га ташкил етди ва 0,01517 га кўпайди; ва 0,25 га майдон билан 0,1997 га ўрнига 0,21487 га ташкил этди ва 0,1517 га кенгайди.

Томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун ер солиғи миқдори аниқланганлиги, томорқа ер участкаларини томчилатиб суғориш самарадорлигини ошириш ҳисобига, давлат ер солиғи миқдорларига ҳақиқий ҳолатга яқин кўрсаткичларини аниқлаш натижасидасамарадорлиги аниқланган. Натижада, диссертация ишида таклиф этилган томорқа ерларидан фойдаланиш-нинг техник-иқтисодий асосларини такомиллаштириш иқтисодий самара беради:

- Сурхондарё вилоятида томорқа ер участкалари таркибини яхшилаш ҳисобига умумий самара 3413,589 млн.сўмни ташкил этди. республикада эса 37584,675 млн.сўм;

- Сурхондарё вилоятида аҳоли томорқа ерларининг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган солиқлар миқдори бўйича иқтисодий самара 1 миллион 930 минг сўмни ташкил этди. республикада эса 8 285,028 млн.сўм;

- Сурхондарё вилоятида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ҳисобига ҳосилдорликни оширишдан олинган жами даромад 905 986,032 миллион сўмни ташкил этади, республикада эса 9938,985 млн.

Сурхондарё вилоятида аҳоли томорқасидан оқилона фойдаланишнинг техник-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳисобига олинган жами иқтисодий самара 2 002 894,578 миллион сўмни ташкил этади, республика бўйича эса 18 261 599 млн.

## ХУЛОСАЛАР

**«Томорқа ер участкаларидан фойдаланишнинг ташкилий – техник механизмларини такомиллаштириш (Сурхондарё вилояти маълумотлари**

асосида)» мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида аҳолининг ёрдамчи хўжаликлари асосан майда деҳқон хўжаликлари, ривожланаётган мамлакатларда эса майда товар хўжаликлари, МДХ мамлакатларида томорқа ер участкалари сифатида намоён бўлади;

2. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни хўжалик юритишнинг истиқболли шакли сифатида қонуний асосда ҳисоблаш мумкин, чунки улар оилани зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлайди, ердан фойдаланишнинг максимал самарадорлигини таъминлайди. Республикада суғориладиган томорқа ерларининг бошқа хўжалик фаолияти юритиш субъектларига нисбатан кам бўлса ҳам улар республикада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш улуши 70% ташкил этади.

3. Диссертация ишида томорқа ерларининг моҳияти ўрганилиб, томорқа хўжаликларининг ердан барқарор фойдаланишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилган:

- ўзини-ўзи таъминлаш ва майда ишлаб чиқариш; аҳолининг баркамол ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш; шахсий томорқа ер участкалари таркибини оптималлаштириш;

- ер участкаларидан фойдаланишнинг узлуксизлиги; экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни максимал даражада ошириш; қўшимча ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи;

- тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш. Томорқа хўжаликлари ерларининг фаолият кўрсатиш хусуситлари ўрганилган.

4. Томорқа ер участкалари ҳудудини оқилона ташкил этиш ҳисобига аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ўрганилди. Томорқа ер участкалари ҳудудларни ташкил этиш қуйидагиларни ўз ичига олади: турар-жой ва хўжалик иншоотлари остидаги ер майдонини қисқартириш асосида экинлар майдонини кўпайтиришга эришилган.

Бир қаватли турар-жой ва қўшимча бинолар ва икки қаватли вариантларни куришда ишлаб чиқаришнинг умумий (умумий) қиймати ва уларнинг самарадорлиги ҳисобланади. Шундай қилиб, 0,15 гектар томорқа ер майдонидан маҳсулот таннархи йилига 11,784 миллион сўмни ташкил этади.

- Томорқа ер фондининг ер ва экин майдонларининг оқилона тузилишини лойиҳаси ишлаб чиқди ва таклиф қилинган;

- Томорқа ерларини баҳолашнинг техник-иқтисодий ёндашуви ишлаб чиқилди. Тавсия этилган услубий ёндашув дала ва камерал ишлар ҳажмини, вақт ва харажатларни қисқартиришни таъминлайди. Ушбу усул бўйича ташкил этилган томорқа участкаларининг ББПларидан томорқалардан ер солиғини ҳисоблаш, экинлар ҳосилдорлигини режалаштириш, ердан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини кўпайтириш учун маблағлар ва ресурсларни режалаштириш ва бир қатор муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланиш тавсия этилган.

5. Аҳоли томорқасини суғоришнинг амалдаги усулларининг афзалликлари ва камчиликлари, техник-иқтисодий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш асосида томчилатиб суғориш муҳандислик-техник нуқтаи назардан энг самарали

усул сифатида тавсия этилиб, уни амалга ошириш тизими ишлаб чиқилди, бу усулни жорий этишнинг техник ташкил этиш имкониятлари яратилган.

6.Худудни ташкил этиш ва томорқа ерларидан фойдаланишни техник-иқтисодий яхшилаш бўйича инновацион ечимларни жорий этиш натижасида қуйидаги иқтисодий самарадорликка эришилган:

- турар-жой ва хўжалик иншоотларининг оқилона ўлчамларини асослаш ва қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини кўпайтириш натижасида ердан фойдаланиш самарадорлиги Сурхондарё вилоятида 3 413 589 сўмни, республика бўйича 37 584 675 сўмни ташкил этади;

- 60 та экспериментал томорқа ер участкаларидан ер солиғининг аниқ-ланган ставкалари белгиланиши ҳисобига ер солиғининг ошиши 17317,48 миллион сўмни ташкил этди. Экспириментал томорқа хўжаликлари ер участкаларининг майдони 8,9588 га. 1 га кўпаядиган солиқ миқдори эса 1932,96 млн.сўмни ташкил этади. Сурхондарё вилоятида 17317,48 х 63144 гектар аҳоли томорқа ерлари майдонига кўпайтирилса, бошқа самаралар билан бир қаторда давлат ғазнасига 1093494,957 миллиард сўм қўшимча ер солиғи тушади.

- томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш ҳисобига 0,135 гектар майдондаги битта шахсий ер участкасидан қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришдан олинадиган йиллик даромад 2320 миллион сўмни, ҳар гектардан ҳисобланганда эса 17185 сўмни ташкил этади. бир гектардан минг сўм олинади ва вилоят 905 986,032 миллион сўмни ташкил этади, шунингдек, суғориш сувидан фойдаланиш йилига 38 769 м3 га қисқаради.

7.Таклиф этилаётган илмий натижаларни жорий этиш ҳисобига Сурхондарё вилоятида 2 002 894 578 сўмлик иқтисодий самара салмоғи кутилмоқда:

- “Ер ресурсларидан фойдаланишни бошқариш” факултетида ўқув жаъёнига назарий ишланмалар киритилди, жумладан;

- “Бино ва иншоотлар” кадастр фанидан “Шахсий томорқалардаги турар-жой ва хўжалик объектларини лойиҳалаш” бўйича услубий кўрсатмалар;

- “Ер кадастри” фанидан томорқа ерларини сифатини баҳолаш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган;

- “Ердан фойдаланиш асослари” фанидан “Томчилатиб суғориш тизимини жойлаштириш ва аҳоли томорқаларини суғоришни ташкил этиш” бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**АШУРОВ АБДУЛЛО ФАЙЗУЛЛОЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО –ТЕХНИЧЕСКИХ  
МЕХАНИЗМОВ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИУСАДЕБНЫХ ЗЕМЕЛЬ (НА  
МАТЕРИАЛАХ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАССТИ)**

**06.01.10 – ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2023.1.PhD/T2989.**

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Чертовицкий Александр Степанович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Қурвонтоев Рахмонтой**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Мусаев Илхомжон Максудович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары-Ниязи 39. тел.: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-54-79; e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязи 39. Тел: (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Султонов Т.З.**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**Гаппаров Ф.А.**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

**Алтиев А.С.**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность исследования темы диссертации.** Мировой земельный фонд составляет 13,4 млрд. га, из которых только 1,5 млрд. га, т. е. 11% экономически выгодно для сельскохозяйственного производства. «Вопросы глобального продовольственного снабжения и безопасности всегда были в центре внимания. В частности, на историческом саммите Генеральной Ассамблеи ООН, состоявшемся в сентябре 2015 г., была представлена программа «Цели устойчивого развития – ЦУР», состоящая из 17 глобальных целей и 169 задач, которую должны реализовать 193 страны мира. к 2030 году. Для устойчивого развития человечества определена модель, отвечающая интересам нынешних поколений без ущерба для потребностей будущих поколений.<sup>1</sup> По данным ФАО почти 75 процентов населения мира проживает в сельской местности и их условия жизни и трудовой деятельности важны для развития аграрного сектора экономики.

Сельское хозяйство является крупнейшим работодателем в мире, за счет мелких фермеров-землевладельцев реализуется продовольственная безопасность, занятость и 40 процентов производства в сельском хозяйстве. В этом отношении это самый крупный сектор занятости и доходов для бедных сельских домохозяйств. Пятьсот миллионов мелких фермеров, в основном расположенных в засушливых районах, обеспечивают 80 процентов продовольствия, потребляемого в большинстве развивающихся стран. За последние 20 лет общий объем сельскохозяйственной продукции в мире значительно увеличился. Поэтому в некоторых регионах этот рост вызвал увеличение населения, снижение цен на сельскохозяйственную продукцию, совершенствование системы сельскохозяйственного производства. Для обеспечения устойчивого развития сельского хозяйства в развитых и развивающихся странах необходимо срочно обосновать задачу развития личных подсобных хозяйств.

В Узбекистане насчитывается 4,77 млн. приусадебных хозяйств, им принадлежит 70% выращиваемой сельскохозяйственной продукции. В этих хозяйствах содержится практически весь крупный рогатый скот - 12 112,4 тыс. голов или 93,4% всего поголовья по республике. В республике выращивается 7031,5 тыс. тонн овощей,вкрайивается 10186,0 тыс. тонн молока и 2262,9 тыс. тонн мяса. Использование приусадебных участков имеет большое социально-экономическое значение и играют важную роль в обеспечении продовольственной безопасности сельского хозяйства страны.

Внедрение научных достижений и современных подходов в использование приусадебных земель является актуальной проблемой, решение которой требует глубокого изучения механизмов организации территории приусадебного участка, обоснования методов определения качества земель, и выработка рекомендаций по внедрению современных методов орошения. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «...применению интенсивных методов в области

---

<sup>1</sup> <https://ru.wikipedia.org/>

сельскохозяйственного производства, прежде всего современных агротехнологий, экономящих водные ресурсы»<sup>2</sup>. Важно изучить и обосновать их организационно-технические направления, провести научные исследования по разработке усовершенствованных способов использования приусадебных земельных участков.

Диссертационное исследование направлено на реализацию задач, поставленных в **Указах Президента Республики Узбекистан, от 09.10.2017 г. № УП-5199** «О мерах по коренному совершенствованию системы защиты прав и законных интересов фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель, эффективного использования посевных площадей сельского хозяйства»<sup>2</sup>, **от 8 июня 2021 года № УП-6243** «О мерах по обеспечению равенства и прозрачности в земельных отношениях, надежной защите прав на землю и превращению их в рыночный актив»<sup>3</sup>, в **Постановление Президента Республики Узбекистан, от 10.10.2017 г. № ПП-3318** «Об организационных мерах по дальнейшему развитию деятельности фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель»<sup>4</sup>, и других нормативных правовых документах связанные с этой деятельностью и данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации выше указанных задач.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование соответствуют приоритетному направлению развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** На научной основе изучения роли механизма организации и функционирования приусадебного хозяйства и дехканского производства в развитии сельского хозяйства исследования проводили А.В.Чаянов, Н.Д.Кондратьев, С.Л.Маслов, А.Н.Челинцев, Н.П.Сулин, М.А.Макаров, Г.А.Студенский и ряд другие ученые.

